

ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖДА СУГУРТАНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Азимов Рустам Садиқович,

"Ўзбекинвест экспорт-импорт суғурта компанияси" АЖ Бош директори, и.ф.н.

Арифходжаева Ирода Салахутдиновна,

"Ўзбекинвест" ЭИСК АЖ, Департамент раҳбари Email: n_irodahon@mail.ru,

Orcid: 0009-0006-9416-8462

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE MODERN STATE OF INSURANCE IN UZBEKISTAN AND ABROAD

Azimov Rustam Sadikovich,

Candidate of Economic Sciences, General Director of JSC "Uzbekinvest Export-Import Insurance Company"

Arifkhodjaeva Iroda Salakhutdinovna

"Uzbekinvest" EISK JSC, Head of Department

Email: n_irodahon@mail.ru, Orcid: 0009-0006-9416-8462

JEL Classification: G5, G52

Аннотация. Ушбу тадқиқот ишида Ўзбекистонда ва хорижда юридик ва жисмоний шахслар учун рискларни бошқариш тизимининг элементи сифатида суғуртанинг замонавий ҳолатини тарихий ва қиёсий таҳлили натижалари келтирилган, маҳаллий ва хорижий амалиётда таиқи иқтисодий фаолият субъектларининг рискларини суғурталашда, суғурта маҳсулотларини реализация қилишда молиявий технологиялардан фойдаланиш амалиёти таҳлил қилинган. Бундан таиқари, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилишининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда суғуртани ривожлантиришининг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган.

Abstract. This research paper presents the results of the historical and comparative analysis of the modern state of insurance as an element of the risk management system for legal entities and individuals in Uzbekistan and abroad. And in local and foreign practice, the practice of using financial technologies in the insurance of risks of foreign economic

activity subjects, in the realization of insurance products are analyzed. In addition, the goals and objectives of the development of insurance in Uzbekistan have been defined, taking into account the priorities of modernization of the country's economy.

Калим сўзлар: Суғурта, суғурта мукофоти, суғурта бозори, ЯСМ, ЯИМ, молиявий технологиялар.

Key words: Insurance, insurance premium, insurance market, GDP, GDP, financial technologies.

Кириш. Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар фаоллашди. Шунга қарамай, пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига таъсири 2020 йилда ўсиш суръатларининг 1,6 фоизгача пасайишида намоён бўлди. Бу, ўз навбатида, «умумий суғурта мукофотининг 2,3 трлн. сўмдан 2,2 трлн. сўмгача камайди. Дунёда бу кўрсаткич ўртача 50-60% ни

ташкилилади»¹. Шундан келиб чиқиб суғурта шартномалари бўйича табақалаштирилган тарифларни такомиллаштириш, суғурта захираларини оптимал даражада етарли даражада шакллантириш, суғурта тўловларининг эквивалент тўланишини таъминлаш, суғурта фаолиятини тартибга солишчи меъёрий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш зарурати мавжуд. Шу боис Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида рискларни суғурталаш методологиясини такомиллаштириш ва улардан кенг фойдаланиш келажакда алоҳида аҳамиятга эга.

Маҳаллий ва хорижий тажрибани тизимлаштириш ва умумлаштириш шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда таҳлил, баҳолаш ва рискларни бошқариш куйидагилар билан тавсифланади: рискларни баҳолашда ягона ёндашувнинг йўқлиги; баҳолаш фаолиятининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича назарий ва услубий мукамал ишлаб чиқилмаганлиги; маълум бир вазиятда маълум бир хавф даражасининг "қабул қилинишини" бошқариш ва аниқлаш бўйича далилларга асосланган тавсияларнинг йўқлиги; миллий иқтисодиётда рискларни миқдорий баҳолаш параметрларини шакллантириш имконини берувчи меъёрий-ҳуқуқий концепциянинг ишлаб чиқилмаганлиги; суғурта ташкилотлари хизматлари сифатини тавсифловчи саноат корхоналарининг риск кўрсаткичлари тизимлари аниқланмаган.

Ўзбекистон суғурта бозорини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида давлат томонидан тўлиқ давлатга тегишли бўлган

ёки давлат иштирокидаги суғурта компанияларини ташкил этиш, бунда Давлат суғуртасининг (Госстрах) мавқеини сақлаб қолиш йўли танланди, Ўзбекистон суғурта бозорини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичи Госстрахнинг монополиясини тугатиш билан тавсифланади, Ўзбекистон суғурта бозорини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичи суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, аввало, суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш ишларини бошланиши билан белгиланади. Ўзбекистон суғурта бозорини ислоҳ қилишнинг тўртинчи босқичи «Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ [1]. Ўзбекистон суғурта бозорини ислоҳ қилишнинг бешинчи босқичи 2022 йил феврал ойида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг кучга кириши билан бошланган ва ҳозиргача давом этмоқда.

Материал ва метод. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Жаҳон суғурта бозори глобал иқтисодий ўзгарувчанлик, тартибга солишнинг кучайиши, табиий рисклар ва инвестиция даромадининг пасайиши омиллари таъсири натижасида муаммоларга дуч келмоқда [2].

Муаммоларни ечими сифатида глобал суғурта бозори архитектурасининг ўзгариши, ихтисослашувнинг чуқурлашиши, анъанавий суғурта турларининг рақамли платформаларга ўтиши, янги тармоқлараро маҳсулотларнинг яратилиши,

¹Страховой рынок Узбекистана: текущее состояние и перспективы развития. // Отчет Агентства по развитию страхового рынка при Министерстве

финансов Республики Узбекистан. // <https://kafil.uz/site/news-inner?id=12>

мамлакатларнинг глобал миқёсда бирлашиши белгилаб беради [3].

Mckinsey tadqiqotlariga kўra, suғurta bозorida davom etayotgan "mijoz uchun kurash" "Insurtech" sanoatda raqamli innovatsiyalar va texnologiyalarni qўllash dolzarbligini kelтиrib chiqarmoqda, butun dunё bўйлаб insurtechlarга investitsiyalar 2004-yildagi 1 milliard dollardan 2019-yilda 7.2 milliard dollarga, 2021-yilda 14.6 milliard dollargacha oshadi. "Insurtech" moлияvii texnologiyalarning 40 foizdan ortiqi suғurta qiymati zanjirining marketing segmentlari bўyicha mijozlarni jalb qilishga qaratilgan. Natijada, suғurta kompaniyalari raqamli suғurta xizmatlar orqali mijozlarning muammolarini hal qilish imkoniyatini taklif qilmoqda [4].

Ruslana Palayda taъrifiga kўra, InsurTech - bu jaraenlarni osonlashtiradigan, risklarni baholovchi raqamli texnologiya - kompaniya va mijozlar uchun vaqt, kuch va pulni tejaydi. InsurTech suғurta bозorida faol foydalaniayotgan texnologiyalar y'ni, sun'iy intellekt, kibernetika va boshqalar (BigDate) katta ma'lumotlarni taхlil qilish, blokcheyn texnologiyasi, narxlar interneti va smartfon ilovalarini ўz ichiga oladi [5].

InsurTech suғurtalovchilar va mijozlar ўrtasida uzluksiz hamkorlik qilish imkonini berib, shunda suғurtachilar mijozlarni ўz risklarini kamaytirishga erishadi [6].

Narxlar Interneti (IoT) erdamida mijozlarni jismoniy holatini kuzatishga, tўplanagan ma'lumotlar asosida suғurta qoplamasini zudlik bilan qayta aloqa va avtomatik "talab bўyicha" qayta ishlab chiqishni taъminlaydi [7].

BigDate ma'lumotlar taхliliga tayanган holda suғurtachilar


anderraytingni yaxshiroq yūnalтиришлари va mukofotlarni muayyan ehtiёjlarга moslashtirishlari mumkin. Bu orqali ma'lumotlarni qayta ishlash, monitoring qiliش, taхlil natijalaridan risk profilinarini modellashtirish imkonini beradi [8].

Blokcheyn modeli davvolarni bosqariш jaraenini shaffof bosqariшни taъminlaydi [9]. Aқlli shartnomalar (Smart contracts) bilan хammaга ma'lum ma'lumotlar avtomatik ravishda polis davvosini ishga tuшиradi va shu bilan davvolarni qayta ishlash xarajatlari va nizolarni kamaytiradi. P2P suғurtasi oila va dўstlarга online tarzda suғurtalanganlar guрухlarini shakllantirish imkonini beradi. Kam davvoга eга bўlgan guрухlar polis mukofotlari bўyicha chegirмага eга bўlish imkoniyatini beradi [10]. Ushbu tadqiqotda qўllanilgan metodologiya xalqaro va mahalliy suғurta bозori holatini taхlil qilish, risklarini suғurtalashda va suғurta mahsulotlarini realizatsiya qilishda moлияvii texnologiyalardan foydalaniш amaliёti yūrganilib, taхlil, sintez, abstrakt-mantikiy va tankidiy fikrlash, ilimiy oprobatsiya, umumlashtirish kabi usullardan foydalaniildi.

Natijalar. Bizning fikrimizcha, yuridik va jismoniy шахslar uchun risklarni bosqariш tizimining elementi sifatida suғurtaning ahamiyatini kўrsatuvchi eng muhim makroiqtisodiy kўrsatkich bўlib, jami suғurta mukofotlarining yalpi ichki mahsulotга nisbati хisobланади (suғurtani penetratsiyasi kўrsatkichi). Ushbu parametrlarning eng yuqori qiymati iqtisodiy tizimi rivojlangan quyidaги mamlatlarda, jumladan AQSh (suғurta mukofotlari YIMning 14,0 foizini

ташкил этади), Буюк Британия (13,8%), Франция (11,5%), Германия (9,5%), Японияда (7,6%) кузатилган. Ривожланаётган мамлакатларда бу ЯИМнинг 5,4% дан 1,7% гача ташкил этади. Масалан, Малайзияда 5,4%, Хитойда 4,3%, Ҳиндистонда 3,8%, Туркияда 1,7%, Лотин Америкасидаги мамлакатларда 4,0% дан 1,4% гача, булар Чили (4,0%),


Колумбия (3,1%), Гватемала (1,4%). Совет давридан кейинги мамлакатларда бу кўрсаткич 5,8% дан 0,5% гача, Словенияда 5,8%, Чехияда 2,9%, Польшада 2,7%, Венгрияда 2,5%, Россияда 1,5%, Қозоғистонда 0,7%, Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг қиймати сўнгги йилларда 0,32 дан 0,5% гача (1-расм).



1-расм. ЯСМнинг ЯИМдаги улуши (%)²

Ўтказилган тадқиқотлар шуни аниқлашга имкон бердики, бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳолати куйидаги ижобий тенденциялар билан

тавсифланади: умумий суғурта мукофоти ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари 2017-2021 йилларда ҳар йили ўртача 43% ни ташкил қилган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон суғурта бозорининг асосий кўрсаткичлари динамикаси (1997 йил даражаси шартли равишда 1 га тенг қабул қилинган)³


² Муаллиф томонидан www.mf.uz маълумотлари асосида тузилган.

³ Муаллиф томонидан www.mf.uz маълумотлари асосида тузилган.

Бундан ташқари, умумий суғурта соҳасида 40 та суғурта компанияси борлиги, шу жумладан, иккитаси давлат иштирокидаги, маҳаллий суғурта бозорида 20 йилдан ортиқ фаолият юритаётган ва аслида миллий бренд бўлган суғурта компаниялари мавжудлиги - «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти ва «Ўзбекинвест» экспорт-импорт суғурта компанияси, шунингдек, ҳаётни суғуртаси соҳасида 8 та компаниянинг мавжудлиги; филиаллар, ваколатхоналар ва суғурта агентлари тармоғи орқали суғурталовчилар мамлакатнинг барча ҳудудларида етарлича борлиги; кўп сонли суғурта агентларининг мавжудлиги (7 мингдан ортиқ) суғурта

компанияларида кузатилган ижобий ҳолат ҳисобланади.

Давлатлар кесимида аҳоли жон бошига ЯИМ ва суғурта мукофоти таққослама таҳлилини амалга оширганимизда бу икки кўрсаткич бир бирига тўғри пропорционал деган хулосага келдик. Давлатлар кесимида ЯИМ аҳоли жон бошига қанча юқори бўлса, аҳоли жон бошига суғурта мукофоти ҳам юқори кўрсаткични қайд этган. Шунини қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда 2021 йил маълумотларига кўра аҳоли жон бошига ЯИМ (1900\$) ва суғурта мукофоти (10\$) ни ташкил қилган (3-расм).



3-расм. Давлатлар кесимида аҳоли жон бошига ЯИМ ва суғурта мукофоти таққослама таҳлили, АҚШ долларларида⁴

Бирок, ижобий тенденциялар билан бир қаторда, маҳаллий суғурта бозори ривожланишининг салбий томонларини ҳам қайд этиш керак: суғурта бозорининг асосий ислохотчиси давлат бўлмоқда, «бозорнинг кўринмас қўли» амалда ишламаяпти; суғурта мукофотлари мажбурий ва шартли суғурта турлари ҳисобига ўсиб бормоқда, Ўзбекистон суғурта бозоридаги ўсишнинг асосий омиллари маҳаллий тижорат банкларидир;

маҳаллий суғурталовчиларда республика аҳолисига мўлжалланган суғурта маҳсулотларини сотиш каналлари деярли йўқ, суғурта компаниялари асосан корпоратив мижозлар билан ишлайди, суғуртанинг жамғариб бориладиган турлари «иш ҳақи» кўринишидаги суғуртани амалга оширмоқда; маҳаллий суғурталовчилар мамлакатда суғурта маданияти даражасини ошириш учун етарли даражада ишламаяптилар.

⁴ Тадқиқотчи ишланмаси.

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг 1998-2022 йиллардаги таркиби⁵

Йилар	Суғурта ташкилотлари сони	шу жумладан ҳаёт суғуртаси	Суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали (миллион АҚШ долларда)	Суғурта брокерлари сони	Сертификатланган актуарийлар сони	Суғурта агентлари сони	Суғурта сюрвейерлари ва аджастерлари сони	Ассистанс сони
1998	27	-	89.2	-	-	3265	-	1
2000	27	-	71.3	-	-	4167	-	1
2002	28	-	65.1	1	-	4508	4	2
2004	21	2	71.1	1	1	4650	4	2
2006	25	2	80.9	2	1	4700	4	2
2008	31	2	96.5	3	1	4 280	4	4
2010	34	2	125.6	3	2	6753	4	4
2012	33	2	145.8	3	2	7100	12	4
2014	31	3	149,0	3	2	5800	15	6
2016	29	3	137.1	3	4	5800	12	6
2018	30	6	125.1	4	4	8700	18	6
2020	40	8	137.4	5	5	8870	18	6
2021	35	8	154.6	5	5	9536	18	6
2022*	35	8	-	5	5	-	18	6

2022*Ўзбекистон суғурта бозорининг 2022 йил 9 ой якуни бўйича кўрсаткичлари

Ўзбекистон суғурта бозорининг 2022 йил 9 ой якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари таҳлил натижаларига кўра, жорий йилнинг 9 оyi якунлари бўйича суғурталовчилар учун асосий кўрсаткич ҳисобланган тўлов қобилияти маржасининг етарлилик нормативи ўтган йилларнинг шу даврига нисбатан камайиб бораётганлиги кузатилди. Жумладан, суғурта бозорининг умумий суғурта соҳаси бўйича тўлов қобилияти маржасининг етарлилик нормативи 1,8 дан 1,3 га камайган. Ҳаёт суғуртаси соҳаси бўйича ушбу кўрсаткич 1,18 дан 1,02 га камайган [11].

Ҳисобот даври якуни бўйича тўлов қобилияти маржасининг етарлилик

нормативи “O‘ZBEKINVEST” ЭИСК АЖ, “UNIVERSAL SUG‘URTA” АЖ ва “TRUST-INSURANCE” АЖ ларда энг юқори кўрсаткич қайд этилган. Шунингдек, суғурталовчилар фаолиятининг зарарлилик коэффиценти ҳисобот даври якуни бўйича 38,4 фоизни ташкил этган бўлса, умумий фаолиятнинг (суғурта ва молиявий фаолият) комбинацияланган коэффиценти 93,6 фоизга етган. Суғурта фаолияти бўйича эришилган молиявий натижалар шуни кўрсатади-ки, фақатгина 11 та суғурта ташкилотлари мазкур даврни фойда билан якунлаган.

Хулоса. Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, суғурта бозорини ривожлантириш,

⁵ Муаллиф томонидан www.mf.uz ахборот порталидаги маълумотлар асосида тузилган.

истеъмолчиларнинг суғуртага ишончини ошириш, хорижий тажрибалар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг ютуқларини жорий қилиш, энг мақбул ва жозибадор суғурта хизматларини яратиш, суғурта соҳасига қимматли қоғозлар эмиссияси орқали инвестициялар жалб қилиш, халқаро стандартлар ва тамойиллар асосида коррупция ва суғурта фирибгарлигига қарши курашиш каби долзарб масалаларга етарли эътибор берилмаяпти.

Бундан ташқари, мамлакат суғурта бозорига йирик халқаро суғурта ва қайта суғурталовчи компанияларнинг жалб қилинмаётгани, шунингдек, халқаро суғурта назоратчилари уюшмасининг ҳамда молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро норма, стандартлари ва тамойиллари тўлиқ жорий этилмаётгани маҳаллий суғурта компанияларига халқаро рейтинг баҳоларини олишда тўсик бўлмоқда.

Тизимдаги шу каби бошқа муаммоларни бартараф этиш учун бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Суғурта бозорини тартибга солиш тизимини институционал мустаҳкамлаш, суғурта бозори барқарорлиги ва ишончилигини

таъминлаш, соҳа учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ваколатли орган мақоми, масъулияти ва имкониятларини кучайтириш, суғурталаш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, суғурта полисларини электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш, рақамли технологиялар асосида онлайн суғурта турларини ривожлантириш шулар жумласидандир.

Мазкур бозорнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида суғурта компанияларини молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига босқичма-босқич ўтказилишини таъминлаш, бунда KPMG, PwC, Deloitte ва бошқа етакчи аудиторлик компанияларининг аудиторлик хулосалари, нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳоларини олишга эришиш, корпоратив бошқарув, суғурта таваккалчиликларини баҳолаш ва қалтисликларни бошқариш тизимини доимо такомиллаштириш, миқдорлар, яъни истеъмолчиларга суғурта маҳсулотлари ва хизматларининг нархлари тўғрисида тўлиқ, эркин, сифатли ва таққослама маълумотларни тақдим этиб бориш долзарб вазифалар қаторидан ўрин олган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 августа 2019 года № ПП-4412 "О мерах по реформированию и обеспечению ускоренного развития страхового рынка Республики Узбекистан" <https://lex.uz/docs/4459812>
2. <https://www.eiu.com/n/campaigns/worldwide-cost-of-living-2022/>
3. The Economist Intelligence Unit. Digital Adoption in the Insurance Sector from Ambition to Reality? [Text] // EIU. – 2015. – P.3. Insurance Market Outlook for 2017/2018
4. <https://www.mckinsey.com/industries/financial-services/our-insights/global-insurance-report-2023-reimagining-life-insurance>
5. Руслана Палайда, «Форіншурер» — онлайн-журнал про технології страхування, insurtech та fintech: ексклюзивні новини страхового ринку, перестраховання, рейтинги страхових компаній та банків. <https://forinsurer.com/public/21/03/12/4930>



6. Tan ChoonYan, Paul Schulte, David LEE Kuo Chuen. Handbook of Blockchain, Digital Finance, and Inclusion, Volume 1. Cryptocurrency, FinTech, InsurTech, and Regulation. 2018, Pages 249-281. <https://doi.org/10.1016/B978-0-12-810441-5.00011-7>
7. Marafie, Zahraa & Lin, Kwei-Jay & Zhai, Yanlong & Li, Jing. (2018). ProActive Fintech: Using Intelligent IoT to Deliver Positive InsurTech Feedback. 72-81. 10.1109/CBI.2018.10048.
- 8/ Zheng, Lili & Guo, Lijun. (2020). Application of Big Data Technology in Insurance Innovation. 10.2991/assehr.k.200401.061.
9. Amponsah, Anokye & Adekoya, Adebayo & Weyori, Benjamin. (2021). Blockchain in Insurance: Exploratory Analysis of Prospects and Threats. International Journal of Advanced Computer Science and Applications. 12. 10.14569/IJACSA.2021.0120153.
10. Basri Savitha, Iqbal Thonse Hawaldar, Naveen Kumar. Continuance intentions to use FinTech peer-to-peer payments apps in India. Journal of Heliyon, Volume 8, ISSUE 11, E11654, November 2022. DOI:<https://doi.org/10.1016/j.heliyon.2022.e11654>
11. 2022 йил 9 ой якунлари бўйича Ўзбекистон суғурта бозорининг молиявий кўрсаткичлари. <https://imda.uz/wp-content/uploads/2022/12/2022-9oy-moliy-tahlil.pdf>